

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 23 апрель №84 (3359) Жума

Мирзоҳид аканинг осмони



Биласиз, болаларнинг кўпчилиги катта бўлгач, учувчи бўлишни, бепойн осмонда тезуچار самолётларни бошқаришни орзу қилади. Ёш Мирзоҳид ҳам ўшалардан бири эди.

«Орзуга айб йўқ» дейдилар. Мана, унинг учувчилар билим юртини тугаллаб, иккинчи учувчи сифатида иш бошлаганига қарийб 35 йил бўлди.

— Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари дунёнинг турли шаҳарларига парвоз қилмоқда, — дейди Мирзоҳид Файзиев. — Ҳар сафар она Ўзбекистон заминига кўнган лаҳзаларда вужудимни гурур ва ҳаяжон қамрайди. Юртимиз осмони ҳамisha мусаффо ва ёруғ бўлишни Яратгандан сўрайман.

Мирзоҳид аканинг гурурланишига яна бир сабаб бор: у илгари 50 ўринли «Ан-24» самолётини бошқарган бўлса, ҳозир 192 нафар йўловчига хизмат кўрсатувчи «А-310» ҳаво кемасининг командиридир.

СУРАТДА: Мирзоҳид Файзиев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — КЕЛАЖАК ПЎЙДЕВОРИ

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда маънавий, маърифий соҳадаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Фармонига мувофиқ Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилгани бу борадаги муҳим қадамдир. Мазкур марказнинг ташкил этилганига яқинда ўн йил тўлди. Шу муносабат билан Марказ раҳбари Қуддус АбЗАМ ўзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳар бир халқнинг ўз маънавиятини теран англаб этиши миллатнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, эътиқод ва қадр ҳиссини бойитади. Шўро даврида ҳукмрон мафкура таъйиқи билан миллий маънавиятга эътибор берилмади, тўғрироғи, у ҳар жиҳатдан камситилди. Оқибатда халқимиз ўз маънавий меросини тўла-тўқис ўрганиш имкониятидан маҳрум этилди.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганишга, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан маънавий соҳада бошланган тўб ислохотлар халқимиз руҳида келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлади, миллий ўзлиқни англаш имконини берди.

Мустақиллик маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган тилимиз ва маданиятимизни тараққий эттиришга, халқимиз ва айниқса, ёшлар қалбида миллий гурур, ватанпарварлик каби туйғуларни мустаҳкамлашга кенг йўл очди. Мамлақат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида маънавий-маърифий соҳадаги ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бундан ўн йил муқаддам, 1994 йил 23 апрелда Президентимиз Фармони билан халқ маънавиятини юксалтириш, кишиларни озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу ва улғувор мақсадлар сари сафарбар қилиш, миллий қадриятларни тарғиб этиш, ёшларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялаш мақсадида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларда унинг бўлимлари фаолият юритмоқда.

1999 йили Марказ ишига бевосита раҳбарлик қилиш, унинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда бўлимлари бўлган Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таъсис этилди. Марказимиз эса ана шу Кенгаш қарори ва қўрсатмаларини жойларда амалга оширувчи ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳга айланган.

Маънавий салоҳият, ақл-заковат устуворлиги, гоёвий кураш етакчи ўринга чиққан ҳозирги даврда Марказимиз ҳамда Кенгаш «Жаҳолатга қарши маърифат» шiori остида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Марказнинг асосий вазифаси — жамоатчилик онгига интиқил салоҳият, ақл-заковат устуворлиги, гоёвий кураш етакчи ўринга чиққан ҳозирги даврда Марказимиз ҳамда Кенгаш «Жаҳолатга қарши маърифат» шiori остида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Марказнинг асосий вазифаси — жамоатчилик онгига интиқил салоҳият, ақл-заковат устуворлиги, гоёвий кураш етакчи ўринга чиққан ҳозирги даврда Марказимиз ҳамда Кенгаш «Жаҳолатга қарши маърифат» шiori остида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Жойлардан хабарлар

Йўқлов

Андижон вилоятидаги ўқув муассасаларида «Савоб ишри ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» мавзусида бир қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар, беморлар ҳолидан хабар олинапти.

Андижон тиббиёт институти қошидаги академик лицейга вилоятдаги 70 та таълим муассасаларидан боқувчисини йўқотган 193 нафар талаба тақлиф этилиб уларга саховат кўрсатилди. Шунингдек, талабалар халқаро Бобур жамғармаси фаолларининг «Бобур юрган йўллардан» сафар таассуротлари билан ҳам танишдилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олим бўлай десанг...

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ўтказилган илмий-амалий анжуман экология мавзусига бағишланди. Унда маъруза қилганлар Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни юмшатиш, ҳайвонот ва наботот олами, айниқса, бақиллар зотларини қайта тиклаш борасида сўз юритдилар. Баҳс тарзида ўтган анжуманда университет ректори, профессор Қ. Ҳусеинов, халқаро «Экосан» жамғармаси раиси, профессор Ю. Шодиметов Оролбўйи минтақасини асраб-авайлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Я. ҚҶҚҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ташқи иқтисодий фаолиятда суғуртанинг ўрни

Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамкорлигида «Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришнинг ягона тизимини яратишда суғуртанинг ўрни» мавзусида халқаро бизнес-форум иш бошланди. Икки кун давом этадиган мазкур нуфузли анжуманда жаҳон ва МДХдаги обрўли суғурта компаниялари, Қирғизистон молия вазирлиги, Франция, Туркия, Словакия, Россия, Қирғизистон давлатларининг мамлакатимиздаги

элчихоналари вакиллари, шунингдек, республикамизнинг тадқиқотчи олимлари иштирок этмоқда. Халқаро бизнес-форуми Бош вазир ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э. Ғаниев кириш сўзи билан очди.

Мазкур нуфузли тадбирни ўтказишда мақсад — дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг интеграллашу жараёни доирасида ташқи иқтисодий фаолият тизимини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш ҳамда ўзаро таъриба алмашишдир. Бу борада мамлакатимиз су-

гурта бозорида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу бозорда эса Марказий Осиёда йирик компаниялардан ҳисобланган «Ўзбекивест» компанияси етакчи ўринни эгаллайди. У халқаро ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтириб, дунё суғурта бозоридagi мавқеини мустаҳкамламоқда. Европа иттифоқидаги давлатлар Япония, Жанубий Корея, Болтиқбўйи республикалари ва МДХ мамлакатлари билан ҳамкорликда ишчи олиб бораётгани шундан далолат беради.

«Ўзбекивест» компанияси портфели фонд ва кредит ресурслари

бозоридаги мавжуд хизматлар ҳисобга олинган ҳолда умумлаштирилиб бориляпти. Унинг Лондон шаҳрида «Ўзбекивест Интернешнл» қўшма корхонаси очилган бўлиб, у хорижлик мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, «Ўзбекивест-Ассистанс», «Ўзбекивест-Экспресс», «Ўзбекивест-Сармолярри», «Ўзбекивест ҳаёт» ва «Суғурта олами» каби агентлик ҳамда қўшма корхоналари республикамиздаги юридик ва жисмоний шахсларга жаҳон андозалари талаблари даражасида хизмат кўрсатмоқда.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Президент Ислоҳ Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги мажлисида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Давлат мулки қўмитаси, унинг тузилмавий ва ҳудудий бўлинмалари, бозор инфратузилмаси ташкилотларининг жорий йил биринчи чорагидаги иш якунлари муҳокама қилинди.

Қарийб ўттиз йилдан буён 22 апрель жаҳон жамоатчилиги томонидан Ер кўни сифатида нишонланиб келинади. Шу кўни минглаб ташкилотлар ерни эъзозлашга даъват этувчи тадбирлар ўтказди.

Халқаро Ер кўнига бағишланди

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий академик драма театрида ўтказилган «Экофестиваль — 2004» ҳам айнан Ер кўнига бағишланди. «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманга Олий Мажлис депутatlари, давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, фан ва маданият арбоблари, журналистлар, шунингдек, шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Фестиваль давомида «Саховатли ер инъомлари» кўргазмаси ташкил этилиб, Меҳр ва муруват йили муносабати билан эълон қилинган «Энс саховатли қўшни» республика кўрик-танлови ғолиблари тақдирландилар.

«Умид» наватдаги ижодий сафарларини Германиянинг Берлин, Дрезден, Потсдам, Туркиянинг Истанбул, Анталия шаҳарларида ўтказишни режалаштирган.

Абдулла ҚҶРБОНОВ.

Танлов шартларига кўра, кўмўргонлик Х. Саидов, тошқоқлик Р. Камолов ва тўрақўргонлик М. Содирова «Энс саховатли қўшни» деб топилди.

Экофестиваль иштирокчилари санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг дилрабо куй ва қўшиқларидан ҳам баҳраманд бўлишди.

М. ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Бағрикенг эл фарзандлари

Дарахтзор ва гулзорлар кўкда ажиб қиёфа касб этишини яхши биламиз. Табиатнинг бундай беназир зийнати кишига роҳат бахш этади. У ерда яшовчиларнинг юртига бўлган меҳр-муҳаббатини кўз-кўз қилади. Сирдарё шаҳридаги Ширин маҳалласида аҳоли билан ҳамсуҳбат бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларини, хатти-ҳаракатини кузатиб қанчалар жуда аҳил эканликларини сездим.

Ўзингизга аён, бугунги маҳалла эркин фуқаролик жамиятининг кичик бўлини сифатида ҳуқуқий макомга эга бўлди. Эндиликда у фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Маҳалланинг айнан шу жиҳати у ерда яшовчиларнинг, тили ва динидан қатъи назар, аҳил турмуш кечирishiга имкон яратди. Бу гапнинг маҳалласида қўриқ. Қарангки, бу ерда ўн уч миллат вакиллари бир оила бўлиб яшар экан. Уларнинг бир-бирларига гапхўр, оқибатли эканлиги шундоқ кўриниб турарди. Бир мисол: маҳалладаги ёлғиз уч кексанин бири — меҳнат фариши Бибинур Сағдуллоева. У Дўстматов кўчасида тура-

ди. Ҳовлиси жойлашган кўча янги бўлгани учун ҳали табиий газ қириб келмаган эди. Маҳалла оқсоқоли бир даврада шу қариянинг оғирини енгил қилиш савоблигини гапириб қолди. Буни эшитган тадбиркор — Барот Назаров қарияга қўмақлашши истагини билдирди. Қувур тортишдан тортиб, бошқа харажатлар-

Маҳаллада бўлган катта-кичик йиғинларда ана шу савобга жавоб изланди. Шўкурки, бу изланишлар беасамар кетмади. Муаллима Мунира Борисова муассасаси замонавий боғча-мактабга айлантириш бўйича режа тўзди. Унинг дастури эзгу мақсадга йўналтирилгани учун масъул идоралар хайрихоҳлик билдирди. Фақат

Маҳаллада бўлган катта-кичик йиғинларда ана шу савобга жавоб изланди. Шўкурки, бу изланишлар беасамар кетмади. Муаллима Мунира Борисова муассасаси замонавий боғча-мактабга айлантириш бўйича режа тўзди. Унинг дастури эзгу мақсадга йўналтирилгани учун масъул идоралар хайрихоҳлик билдирди. Фақат

бинони капитал таъмирлаш лозим эди. Бунинг учун пулни ким беради? Яна давлатми? Еки... Муаллиманинг куйди-пишдилиги базилларнинг юрагига жиз этиб тегди. Хусусан, маҳалла ҳудудидаги 2513-автожамланма жамоаси бу ишда ҳомилик қилдиган бўлди. Ширин фуқаролар йиғини эса боғчага тоза ичимлик сув келтиришни зиммасига олди. «Ҳа, деган туяга мадад» деганлари рост экан. Қаровисизликдан фэйзсиз бўлиб қолган бино бир кишининг ташаббуси билан қисқа фурсатда фурсункор қиёфа касб этди. Боғча неча йиллик танлафусдан сўнг яна болалар қийқирувига тўлганини курсангиз эди... Айтганча,

(Давоми 2-бетда).

Бугунги ёшлар

— **Фани Бобонинг невараси, Дилноза чемпион бўпти.**
 — **Биламиз. Тазквандо бўйича республика чемпиони...**
 — **Жаҳон чемпиони бўпти.**
 — **Йўғ-э. Кечегина сочини пахта чармаб ўраган кизми? Фарход котибининг Дилнозасими?**
 — **Шундай.**

Дилноза

Гапнинг аввали Фани бобо ҳақида. Фамилияси — Ходиев. Кумқўрғондаги Янгикишлоқ деган маҳалланинг туғди-битди одами. Қирқ йил тракторчи бўлиб ишлаган. Ҳозир — нафақахўр. Соқоли кўрагига тушган фарштали одам.

Бундан тўрт йил аввал эди, 13 яшар Дилноза бобосининг қошига келди. «Мақтабимизда, тазквандо деган тўғарак очлипти. Тўғаракка қатнашайин. Хўп денг. Отажонимдан сўрадим...»

Бобосининг «Тазквандо» деган сўзга тили келмади. Айтган тўғаранинг, нима, кўшиқ ўргатадими, деди.

— Йўқ. Тазквандо — кўл, оёқ ҳаракати дегани. Бокс бор-ку. Шунинг бир тури.

Бобоси кунди:
 — Жанжалкаш — жангари бўлмоқчимсан. Қиз холинг билан, — деди.
 — Йўқ, бобожон. Мен...

чемпион бўлман.
 — Хай, хай, — деди бобоси кулиб. — Биз томонлардан дунё бўлиб чемпион деган одам чиққани ҳали ҳеч ким билмайди. Сенга биров чемпионлики бераримди, болам?

— Чемпионлики биров бермайди. Ҳўим оламан.
 — Бўл, бўл, болам. Иншооллох, бизларниям зўр деган, чемпион деган отимиз чиқса. Майли, қатнаш ўша тўғаранинга. Фақат... бирон жойингни лат етказдирма-я...

2003 йилнинг куз фаслида Дилноза Жанубий Кореяга борди. Тазквандо бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати беллашувларига қатнашгани. 49 килограммгача ваэн бўйича Хитой, Корея, Малайзия, Россиядан борган тазквандочилар тенгдошларини мағлуб этиб, финалда америкалик спортчи қиз билан майдонга тушди.

— Финал беллашувида мен Дилнозани танибтойма қолдим, — дейди устози Абдужаббор Ботиров. — Дилноза саросимага тушмади. Аксинча, майдонда аланга бўлиб ёнди. Бўрон республика шиддатга энди. У намойиш этиб, бошлаган жангаворлик санъати аслида гузаллик ва нафосат санъаткибининг кўнглидан ўта бошлаган ҳаракат режасини қўриб тургандай бўлман, — дейди Дилноза устозининг гапларини тасдиқлаб. — Демак... Мен ҳаракатга эмас, ҳаракатнинг режасига қарши курашга чоғлайман ўзимни.

— Рақибнинг режасини ўқиб олмоқ учун рақибдан камидан икки барабар кўп меҳнат қилишга, ақл-фаросат билан меҳнат қилишга тўғри келади, — дейди Ботиров, — «режа ўқиш» спортда ва айниқса, тазквандода анойи услуб эмаслигини таъкидламоқчидай бўлиб. — Тазквандочининг ҳар бир асаб толаси ўткир нигоҳ бўлиб ёниб туради. Нигоҳингки хушёрли, ҳавф, дард, кўркўк, иккиланиш сенга дов қилмайди.

Мана, нима учун керак спорт деган тилсимот одамзотга.
 Дилноза ҳозир Кумқўрғондаги енгил санат касбхўна коллежининг талабаси.

Тазквандонинг WTF йўналиши бўйича Сурхондарё вилояти федерацияси ҳам шу ерда жойлашган. Федерация вилоятдаги бошқа спорт жамоалари, клуб ва тўғаракларидан ҳисобиди галабаларининг, ўнвонларининг кўпчилиги, медаллар шокимнинг кўнглидан ўта бошлаган ҳаракат режасини қўриб тургандай бўлман, — дейди Дилноза устозининг гапларини тасдиқлаб. — Демак... Мен ҳаракатга эмас, ҳаракатнинг режасига қарши курашга чоғлайман ўзимни.

— Ширингина болам. Чемпион қизалогим. Ҳамиша омон бўлгин, илоҳим. — Шундай деб бобоси уни бошга кўтарди. Кўзларидан ёш, юракларидан қувонч, вужудидан фахр-ифтихор тошиб.

Дилноза Фаниеванинг чемпиони бўлиши тасодифми, ё...
 — Йўқ, — дейди Абдужаббор Ботиров. — Дилноза кучли қиз. Унда куч ва ақл пайваста қобилият, иқтидор, қудрат, мўъжиза деганларимиз, менимча, худди шу пайвасталиқдан қуртак отади, улғайди ва атрофдагиларни хайратга сола бошлайди.

— Қаршимда турган рақибнинг кўнглидан ўта бошлаган ҳаракат режасини қўриб тургандай бўлман, — дейди Дилноза устозининг гапларини тасдиқлаб. — Демак... Мен ҳаракатга эмас, ҳаракатнинг режасига қарши курашга чоғлайман ўзимни.

даси ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Федерация бошлиғи Абдужаббор Ботиров бу ерда сизни Тазквандо бўйича Ўзбекистон чемпиони Нигора Хўжамуродова билан шу спорт турининг республика миқёсида пешқадам намоёндалари сифатида эътироф қозонаётган Саид Ёқубов, Акбар Исмоилов, Илхом Хайридинов билан таништиради. Федерациянинг бугунги ишлари, режалари ҳақида гапириб беради.

Бодомқовоқ, пешонасига тушиб турган қоп-қора сочлари ўзига ярашган Дилноза Фаниева эса федерациянинг фахри.

Дилноза — камгап. Фақат Фани Бобосининг хузуридан тили чиқади.

— Шу йил 12-18 июнь кунлари Жанубий Кореяда бўладиган саралашдан ўтолсам, бас, кейин Афина шаҳрига, Олимпиадага бораман. Олимпиададан, ишонинг бобожон, олтин медал олиб келиб, бўйингизга тақиб қўяман. икковимиз сўнг суратга тушамиз, — дейди.

Бобоси бўлса, ҳа деганда дуо беришга шошилмайди. Икболу давлатинг илоёзиёда бўлсин-да, болам, деган гап хавлидан ўтади. Жанубий Корея, АКШ, Афина деган атамалар ўзи яшаётган Янгикишлоқ маҳалласи билан уйқошиб-уйғунлашиб бораётганидан юраклари халқириб кетаётганини хис қилади...

Олимжон УСАНОВ,
 «Халқ сўзи» мухбири.

Винлад
 КОМПЛЕКСНЫЕ СИСТЕМЫ БЕЗОПАСНОСТИ НА БАЗЕ ТЕХНИЧЕСКИХ СРЕДСТВ

CCTV - системы телевизионного наблюдения
 Охранно-пожарное оборудование
 Системы охраны периметра
 Системы контроля доступа
 Защитные пленки и стекла
 Металлодетекторы

Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18.
 Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13, тел./факс (998 712) 120-66-01.
 e-mail: vinlad@sarkor.uz www.vinlad.com

O'ZSANOATQURILISHBANK
 Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Бу ерда футбол юлдузлари камол топади

Яқинда Хонқа тумани марказий стадионида республикамиздаги ёш футболчилар етиштириш махсус интернатлари жамоаларининг зонал мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Урганч, Бухоро, Нукус, Самарқанд шаҳарларидаги махсус интернатларнинг 12-13 ва 14-15 ёшли болалардан ташкил топган футбол жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда майдонга тушдилар.

Уйинлар натижаларига кўра биринчи гуруҳда урганчлик, иккинчи гуруҳда эса нукуслик ёш футболчилар галаба нашидасини суришди.

О. РАХИМОВ,
 «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонда энг арзон

Ўқувчилар мебеллари **Спорт анжомлари**

30 дан ортиқ турда

Мақтаб, лицей, коллеж институт ва бошқа ўқув юртлари учун

Тошкент шаҳри, Сегизбоев кўчаси, 1-уй.
 Тел./факс: (998-712) 72-90-82, 72-97-16, 155-77-13.
 www.kprtovt.uz info@kprtovt.uz

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» СОТИЛАДИ

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги оմбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

Телефонлар: 169-47-62, 169-59-30

Хурматли юртдошлар!

«Ўзуйжойжамфармабанк»

баҳор тухфаси сифатида сизга йиллик 38 фоиз устама тўланадиган

янги «ИМКОН» омонатини таклиф этади.

Омонат 3 ой муддатга қабул қилинади.

Сиз ўз маблағларингизни 2004 йил 1 майгача «Ўзуйжойжамфармабанк»нинг барча жамфарма кассаларида ушбу омонатга қўйишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 132-13-18, 132-07-94.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

куйидаги лавозимлар учун танлов эълон қилади:

АВИАКОИНОТ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА

1. Учиш аппаратлари ишлаб чиқариш технологияси кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 2 ўрин.
2. Учиш аппаратлари конструкцияси ва уларни лойиҳалаш кафедраси бўйича: кафедра мудири.
3. Авиатармоқ маркетинги кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 1 ўрин.
4. Амалий механика кафедраси бўйича: кафедра мудири.
5. Меҳнат муҳофазаси кафедраси бўйича: кафедра мудири.
6. Учиш аппаратлари аэрогазо-динамикаси кафедраси бўйича: кафедра мудири.
7. Авиатармоқ иқтисодий кафедраси бўйича: кафедра мудири.

УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА

8. Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 1 ўрин.
9. Олий математика кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 1 ўрин.
10. Физика ва химия кафедраси бўйича: кафедра мудири.
11. Чизма геометрия ва машина графикаси кафедраси бўйича: кафедра мудири.
12. Жисмоний тарбия кафедраси бўйича: кафедра мудири.
13. Тиллар кафедраси бўйича: кафедра мудири.
14. Касбий педагогика кафедраси бўйича: кафедра мудири.

ФУҚАРО АВИАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА

15. Учиш аппаратлари ва авиа-двигателлар техника эксплуатацияси кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 1 ўрин.
16. Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозлари кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 1 ўрин.
17. Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электр жиҳозлари кафедраси бўйича: кафедра мудири.
18. Назарий электротехника ва электроника кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 1 ўрин.
19. Ҳаводаги ҳаракатларни бошқариш кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 1 ўрин.
20. Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси бўйича: кафедра мудири.
21. Авиатармоқ менежменти кафедраси бўйича: кафедра мудири; профессор — 2 ўрин.
22. Фалсафа кафедраси бўйича: кафедра мудири.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

- ариза;
- шахсий варақа (сўровнома);
- 2 дона фотосурат;
- илмий ишлар ва мақолалар рўйхати;
- дипломлардан нусха.

Аризалар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрсабаб кўчаси, 25-уй, ТДАИнинг бош биноси, 3-қavat, 31-хона (илмий котиб).
 Телефонлар: 133-89-22, 136-76-79, 133-58-06.

ESENYA ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

НОГИРОН БОЛАЛАР УЧУН ЎЙИН МАЖМУАЛАРИ

Барчага маълумки, ҳаётда содир бўладиган айрим фалокатли ҳодисалар сабабли ногирон бўлиб қолган болалар ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш қувончидан маҳрум бўладилар. Бу ҳолатлар уларнинг характерли тобланишига, дунёқарашлари шаклланишига, атроф-муҳитга бўлган муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Бундай болаларда норасолик хислатлари шаклланади. Бизнинг вазирамиз — боланинг ушбу камчиликларни енгиб ўтишига ёрдам бериш.

Шунинг учун мутахассислар билан ҳамкорликда ногирон болалар учун болалар мажмуалари, ўйин тизимлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар бунда ўзларининг заифликларини эсдан чиқарадилар, соғлом болалар билан ўйин жараёнига жалб этиладилар.

Болалар руҳияти таъсирчан бўлганлиги сабабли улар теъдда ўзларидидаги нуқсонларни ва ноқулайлиқни эсдан чиқарадилар.

Болалар юзидидаги табассумни кўриб, меҳнатимиз зое кетмаётганлиги ва кимларгадир шодлик келтираётганлигини қониқиб билан ҳис этамиз.

Ногирон болаларга мўлжалланган соғломлаштириш мажмуалари ва ўйин тизимларини ишлаб чиққан фирмамиз 2002 йилнинг декабрь ойида Брюссель шаҳрида ўтказилган «ЕВРОМАРКЕТ-2002» танловда лауреат бўлди.

Бош менежер Шавели Матвиев.

700025, Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
 Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

Ортда қолган из

Элу юртининг қадду бастини юксак, муносиб сўз билан кўрсата билмоқ ҳамма шoirларга ҳам насиб қилавермайди. Элининг дилкаш, дардаш шoirи Мухаммад Юсуф ҳаёт бўлганида бугун эллик ёши қарши оларди. Тақдирнинг ҳукми-ни қарангким, Андижон яна бир шoirига Мирзо Бобур умрини раво кўрмиш.

Тақдир — ҳақдир.
У озод, дилбар Ватанини бир фарзанд янглиг сидқидилдан, кўнглини осмонлардай кенг очиб қуйлаб ўтди. «Эй дўстларим, дунёда ортда қолган из яхши» деган шoirдан элу элдошлари қалбида ўчмас из қолди. Ҳоксор, меҳнат-каш элини, улуг Ватанини ўзига хос, ҳаммага тушунарлигина қилиб тараннум этди. Қизгалдоқдай севгиси, капалақдай муҳаббатини шабнамга чўмган майса-лар янглиг тоза, бегараз ва иддаосиз айтиб ўтди.

Бир пайтлар шарқроқ сойлардай ҳай-кириб юрган шoirлар қаторига со-кингина бир ирмоқ, камсукумгина бир ўзаки ариқ келиб қўшилганини биров сезиб, биров сезмай қолганди. Қалди-роқлар гулдираб, бутултурулганлар алғов-далов бўлиб ётган баҳор осмонида ош шундай пайдо бўлади, кўш шундай би-линмайгина чиқади. Кейин ҳаммаёқ нураф-шон, мунаввар бўлади.

Шеърят — Мухаммад Юсуф учун чин маънода қисматга айланган. Сўз йўли, шеър йўли унинг ҳаёт йўли, умрий тақди-рини белгилаб берди.

Ватан ҳақида қаламкаш зоти борки ёз-ган, ёзилти. Бирок «Осмоғна буй чўзган окторак ўлкам» дейишнинг гаши ўзган. Ватанининг ўзи мисол, ҳоксор эли янглиг соддагина қилиб айтганга не етсин:

Сен — шoirлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Уяям деб, бош эгиб турган чинорим,
Кўйилмаси ифтихорим,
Бўйилмаси тўмарим,
Ушғи мену туғардан
Уяғимсан, Ватаним!

Шoirнинг қадду қомаги, қалбининг бую-бастини, қиёфасио кўнгал дунёсини шеър-и кўрсатди, унинг зоҳири ҳам, ботини ҳам ўз шеърларида.

Қўлинг қаддоғи босай юзимни,
Опансан-ку, отар олма сўзимни.
Қайларга айтиб «Чаро кўзим»ни
Сайларда қалган Усмоғларинг бор.

Бу шеърят ўз-ўзидан яралгани йўқ. Худо берган бу истеъдод «Шувоқларни қўнган эски уйлар», ажин босган азиз юз-ларни эслатгувчи ним нураган паҳса де-ворлару тупроқ кўчаларинг тунги сукут-ларидан, онаизорларнинг меҳру соғинч-лари, оталарнинг умрий захматлари исил келгувчи яқтак-чопонлари, сулув қизлар-нинг кулгуси, қошу киприклари аро май-садек кўкариб камол топди. Бу шеърят меҳру соғинч, дарду ҳижрон, тириклик ва ўлим, дийдор ва айрилиқ тарбиясини ол-ган, шунинг учун унда меҳр ҳам, соғинч ҳам сероб.

Мухаммад Юсуфини болалар яхши кўра-ди, ҳижолатдан қабоси хилпиратган ло-лалару зўйга қатлама қатлаётган қайвони холалар яхши кўради. У ҳалоли элнинг ҳалоли бир дилбанди сифатида «Берилган қўлларга термулиб юриб, шу ялпис дала-да мен ҳам буй етдим. Кейин шеър йўқла-ди тушимга кириб, кейин ўзим йўқла-ди Тошкентга кетдим. Навоий сатрига терму-либ юриб, Тўйимин жамолини бу кўхна элим, Кейин сен изладинг тушимга ки-риб, Кейин ўзим излаб ёнингга келдим!» дея хирмондаги буюри толда беламчати чайкалаётган болага ҳам ҳисоб бериш-дан тортинмайди. «Хирмондаги бола», на-қалоқ — шoir учун ҳалоллик-поклик рам-зи, Ватан тисоли, унинг энг тоза, покиза сўзи ҳам шу:

Мен келдим шу шаффоф
Мен билдим, юракдан
Беланчак осилган толарни ўниб,
Чақалоқ кўзига ҳало термулмоқ...

Мен келдим шу шаффоф сўзимни топиб,
Мен билдим, юракдан Ватанин севмоқ —
Беланчак осилган толарни ўниб,
Чақалоқ кўзига ҳало термулмоқ...

Устоз — муаллимлар даврасида шеър, адабиёт ҳақида гап кетганда дом-лалардан бири «Сўз Ватандай бўлмоқ керак!» деган чиройли иборани ишлатган эди. Сал баландпарвозроқ туюлса-да, ҳар ҳолда, шoir сўзининг салмоғи, мижҳси да-ражасини белгилаб берадиган гап. «Имон йўқ гўшада эҳром қайдадир» дейди Му-хаммад Юсуф. Унинг наздида Сўз Ватан тушунчаси янглиг қадри ва азиз. «Мен нешиб шoir ўлай, Бир қалам ўйнатмасам. Жон қадар бир сўз сўраб, Бир қалам шеър айтмасам» дейилганида ҳам айнан шу му-

Хақиқий шеърят ҳаммиса фидойилик-ни талаб қилади, беавв қурбонлик-ни сўрайди. Мухаммад Юсуф чин шoir эди, шундайлигича қолди. У илк шеърни чиққанидан бун бир одам зотиға берил-миш нимаики қувончу изтироб, меҳнату заҳмат, бахту фароғат бўлса — ҳамма-ҳам-масини шеърига, шеърларига сарфлади, шеърга алмашди. Ҳаммиса камгап, ийма-ниб юргувчи бир шoir сўзбозлару сўзфу-рушлар дунёсига шеър учун авбосиз аш-моқ, жонини, борлигини сарфламоқ қан-доқ бўлишини ҳаёти, китоблари ила кўр-са-тиб кетди.

Илк шеърлари биланқ Абдулла акин-нинг назарига тушган, мудом у кишининг диққат-эйтиборида бўлган. «Осмонқалб укам» дея ном олган шoirнинг ҳам шoir-гидларни қисқа муддатда қўйиб кетди.

Устознинг эйтирофларига эйтибор бер-инг:

«Чинакам шoirнинг қалбида аллақан-дай соҳир қуш доимо сай-раб туради, деган гапни кўп бора эшитгандим. Уш-куш айнан Мухаммад Юсуфининг, Мухаммад Юсуфининг юрағида ошён курганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳаммиса латиф бир куйни хониш қил-гандай эди. У ўз элини, халқи, Ватанини чин фарзандай, бегараз, сидқидилдан яхши кўраб эди. Шу меҳринг натижаси ўлароқ, унинг шеърятига ҳам худди шун-доқ беминнат ва бегараз шеърят сифа-тида майдонга келди. У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонига яхши ижодкор бўлиши табиий ва қону-нийдир. Ҳақиқий маънодаги барҳаллик, завоил билмаслик Мухаммад Юсуф ижоди-га ҳам тааллуқли бўлмай десам, иншо-лоқ, хато қилмайдирман.»

Абдулла ака устоз ва шoirга бўлиб До-ғистон халқ шoirи Расул Ҳамзатовнинг та-валлуд тўйи баҳона у кишининг уйига — Маҳачқалъага меҳмонга борганларини, Ра-сул бобонинг Мухаммаднинг дарров яхши кўриб қолганини, унга шеър ўқитиб, «Шеърни ўзимдай ўқирсан» дея макта-ганларини алоҳида меҳр ва соғинч билан эслайдилар. Бу хотираларнинг ўзи ҳам бугун соғинчларга айланган.

Қушдай учиб кўчогилдан дунё кездим,
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим.
Кезиб-кезиб топсанларим Соғинч бўди,
Қайда юрсам ёди меҳринг овуни бўди.
Айланган қора қошу кўзиндан-а,
Ушғи гап қўймасин ҳақким, ўзиндан-а!

Устоз — муаллимлар даврасида шеър, адабиёт ҳақида гап кетганда дом-лалардан бири «Сўз Ватандай бўлмоқ керак!» деган чиройли иборани ишлатган эди. Сал баландпарвозроқ туюлса-да, ҳар ҳолда, шoir сўзининг салмоғи, мижҳси да-ражасини белгилаб берадиган гап. «Имон йўқ гўшада эҳром қайдадир» дейди Му-хаммад Юсуф. Унинг наздида Сўз Ватан тушунчаси янглиг қадри ва азиз. «Мен нешиб шoir ўлай, Бир қалам ўйнатмасам. Жон қадар бир сўз сўраб, Бир қалам шеър айтмасам» дейилганида ҳам айнан шу му-

Хотира

Иўкса етмасидик Сўзинг қадрига,
Пойға минг садақ етмасидик эвои,
Ватанинг қадрига, дўстнинг қадрига,
Кўнглиниг қадрига шу дорилмоғим...


Дунёда норасо, ношукур фарзанд бўлишдан ҳам ёмони йўқ. Шoir учун бу — энг изтироб ҳолат. Улуг аждодларга му-носиб ворис бўлмоқ унинг юрагининг юк-сақ, нури қирраси. Ҳаёту тирикликнинг, фарзандликнинг бор мазмун-моҳияти-ни у шу қиррадан туриб белгилайди. Шундай шарафни билмаган-ларга эса унинг жавоби бундоқ:

Мансу пазим сушани сўлмас,
Навоий-ку яшар то авад,
Оқибатсиз эда эрк бўлмас,
Муруватсиз юрда — саодат...
Кечарайми ҳазрат ўз қавмин
Бир-барча бўлмас паноҳ;
Подшоҳининг билмас қадри,
Гадосини сийламас гаҳ?

«Мухаммад Юсуф шеърларини райо-лардай экиб кетди» деганди муҳлис-лардан бири. Унинг шеърларини ортимизда нимаики гўзал, нафис, жозибали ва таро-ватли бўлса — ҳамма-ҳаммасига қиёлаш мумкин. Капалақларга ўшатиш мумкин, қалдирғоч деса ҳам унб кетаверади. Жил-галардай жилдирайди, юлдузлардек жи-мирлайди бу шеърлар. «Қовурганнинг ти-мада бир кумри йнлар» дея ўқиганингиз ҳаммо кўкрак қафасидан потирлаб чиқиб келаётган кумрини кўрасиз. Ялпизлардай буй таратиб, гиёҳлардай ибор сочаётган, қийғос гуллаган олчазордай оппоқ бир шеърятдир бу. Дала-дашдай анвоий, ло-лазордай қирмизи, хилпираб, чайқалиб, ястаниб ётибди. Фақат бир лола, биргина лолақизгалдоқ.

Одинна мен борамасам, ўт гуноҳам,
Бир йўқлаб кўй мен дунёдан ўтсан чоғим,
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалоғим,
Мухаммаддан бўлақ дўсти девонан йўқ.

Шoir ҳаётинг ҳақиқий ошиғи, ти-риклигининг чин волаю шайдоси эди. Шеърлари ҳам шу шайдоликнинг ҳосили бўлиб дунёга келди. Ҳазрат Навоийнинг «Ки шайдолик дийридин етишган қорондир бу» деган сатрлари бор. Му-хаммад Юсуф шеърятини шу «шайдолик дий-ри»нинг янги кўклари мисол сарин, тоза ҳаволари билан кириб келди. Кириб кел-ди эмас, кўклам мисол, унинг ёмирла-рию сабалари янглиг ўз берди.



қаддас масъулият билан Бурч назарда ту-тилган. «Шундай йилларни кўрдикки, бах-ли бўлиш уят эди» деганди устоз Асқад Мухтор. Мухаммад Юсуф чин маънода бахтли бўлиш, яъни одамдай яшаш уят саналмаган, элу юртимизнинг асрий орзу-армонлари ушалган бир замоннинг озод-қалб шoirи бўлиб камолга етди. Сўзини айтмай йнглаб кетганларни билгани, кўргани, уларнинг ҳақи-ҳурмати учун ҳам шoir қалбида Сўз қадри — Ватан қадри янглиг табарруқ тушунчага айланади. Ҳин-чи эса чорлов, давъат мисол жаранглай-ди:

Иўкса етмасидик Сўзинг қадрига,
Пойға минг садақ етмасидик эвои,
Ватанинг қадрига, дўстнинг қадрига,
Кўнглиниг қадрига шу дорилмоғим...

Дунёда норасо, ношукур фарзанд бўлишдан ҳам ёмони йўқ. Шoir учун бу — энг изтироб ҳолат. Улуг аждодларга му-носиб ворис бўлмоқ унинг юрагининг юк-сақ, нури қирраси. Ҳаёту тирикликнинг, фарзандликнинг бор мазмун-моҳияти-ни у шу қиррадан туриб белгилайди. Шундай шарафни билмаган-ларга эса унинг жавоби бундоқ:

Мансу пазим сушани сўлмас,
Навоий-ку яшар то авад,
Оқибатсиз эда эрк бўлмас,
Муруватсиз юрда — саодат...
Кечарайми ҳазрат ўз қавмин
Бир-барча бўлмас паноҳ;
Подшоҳининг билмас қадри,
Гадосини сийламас гаҳ?

«Мухаммад Юсуф шеърларини райо-лардай экиб кетди» деганди муҳлис-лардан бири. Унинг шеърларини ортимизда нимаики гўзал, нафис, жозибали ва таро-ватли бўлса — ҳамма-ҳаммасига қиёлаш мумкин. Капалақларга ўшатиш мумкин, қалдирғоч деса ҳам унб кетаверади. Жил-галардай жилдирайди, юлдузлардек жи-мирлайди бу шеърлар. «Қовурганнинг ти-мада бир кумри йнлар» дея ўқиганингиз ҳаммо кўкрак қафасидан потирлаб чиқиб келаётган кумрини кўрасиз. Ялпизлардай буй таратиб, гиёҳлардай ибор сочаётган, қийғос гуллаган олчазордай оппоқ бир шеърятдир бу. Дала-дашдай анвоий, ло-лазордай қирмизи, хилпираб, чайқалиб, ястаниб ётибди. Фақат бир лола, биргина лолақизгалдоқ.

Одинна мен борамасам, ўт гуноҳам,
Бир йўқлаб кўй мен дунёдан ўтсан чоғим,
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалоғим,
Мухаммаддан бўлақ дўсти девонан йўқ.

Шoir ҳаётинг ҳақиқий ошиғи, ти-риклигининг чин волаю шайдоси эди. Шеърлари ҳам шу шайдоликнинг ҳосили бўлиб дунёга келди. Ҳазрат Навоийнинг «Ки шайдолик дийридин етишган қорондир бу» деган сатрлари бор. Му-хаммад Юсуф шеърятини шу «шайдолик дий-ри»нинг янги кўклари мисол сарин, тоза ҳаволари билан кириб келди. Кириб кел-ди эмас, кўклам мисол, унинг ёмирла-рию сабалари янглиг ўз берди.

«Кўкламоийм» деган сўзни шеърятини-мизда биринчи бўлиб Чўлпон ишлатган бўлса керак. Унинг «Кўкламоийм йўлга чиқ-қан. Кўкламоийм кўзгалган» дея бошлан-гувчи шеъри — баҳорнинг соғинчу севи-нчи — билан бирга шoir қалбининг изти-робли армони ҳамдир. «Кўклам билан юр-тимга ҳам бир кўкариш келсайди» дея ар-мон қилади Чўлпон.

Мухаммад Юсуфининг кўклари, «Кўкла-моийм» шеъри — унинг ҳаётга, тирикликка муҳаббатининг гўзал ва дардли таронаси. Шoir бу кўкламига яшамоннинг қанча алам ва айрилиқларини бошдан ўтқариб етишган. «Сочимда қў мен баҳордан ўтин-дим: Кўкламоийм, кўнглидан бер бир чим-дим» дейди у. Шеърнинг аввалги сатрла-риданқо сизни ҳам тансиқ бир соғинч чул-ғаб олади:

Кел-да энди соғинтирмай одамни,
Сен йўнгда бир гап босди елкамин,
Қорлар қураб қўшиб келдим отамин...
Кўкламоийм, кўнглидан бер бир чимдим.
«Бир чимдим кўклам», бир кўкламлиқ ҳаётнинг нақадар азиз ва ғанимат эканли-ги, «куми билан омон чиқдик биз киш-дан» дейилса-да, бу дийдорга эришмоқ-нинг ўзи қанчалар қувончли ва армонли, нечоғли озиқтиргувчи ва онийлиги жуда жозибали айтилади. Шеърнинг энг изти-робли сатри эса сизни ҳам мувозаанатдан чиқаради:

... Яна сенга етамини, йўқми мен...
Бу шеър шoirнинг ўз кўкламига сало-ми, айни пайтада видеоси ҳамдир. Бундай шеърлар ҳам, қўшиқлар ҳам кишиларни тарбиялаш қудратига эга. Умр кўкламла-рининг ғаниматлиги, ҳаёт боғларида одам болаларидан фақат эзгулик дарахларига-на мангу кўкари қолишини эслайтиб тур-гувчи шеърларгина шундоқ қуйланади.

«ХАЛҚОНА» деган сўзни бугунларга бўлсангиз, икки улугвор сўз юзага кела-ди: «Халқ — Она».

Мухаммад Юсуфининг Ватан ҳақидаги ҳамма шеърлари она ҳақидадир, она ҳақидаги барча шеърлари айни пайтада Ва-танга бағишлангандир.

Оташ бешик узра алалар айтиб,
Ҳамма бедорим — онаизорим.
Жилгиси жаранги тонда уйотиб,
Юрагимга қириб келган баҳорим,
Ватан, қадрим уш — хонақоғимсан,
Момоларим ётар саждагоғимсан.

«Кимда гап кўп бўлса — у менинг онам!» дейди у яна бир шеърда. Шoir онасини Ватани суйгандайин, Ватанини эса онани суйган янглиг яхлит меҳрини бериб камол топди. Шеър ҳам, сўзи ҳам шу меҳр ба-робарида, юртинг нўз бастига қараб во-яга етди. У ўз дийрини, она тупроғини бир фарзанд суйганчалик сўйди, бир фарзанд янглиг кўнглини уфқлардай кенг очди. Унинг дарди ҳам нури эди. Шунинг учун кишига дард юкламайди, аксинча руҳ ба-ғишлайди, кўнглини кўтаради.

...Бугун унинг дўстлари кўп, тақлидчи-лари бисёр. У ҳақда хотира ёзаётганлар-нинг сон-саногои йўқ. Номи ҳам, шеър — қўшиқлари ҳам эл аро овоза. «Биз ҳали ҳаммадан ўташ, қизим!» дея шеърый ал-лалар бағишлаган капалақдай қизчаси Ма-дина ҳам улғайиб, шеърлар машқ қилмоқ-да. Нозима қизи эса кўкламини келтирган қаламкаш қалдирғочинга ўшайди. «Гу-ра-гурра сўз йнғидим, Бошим ерга тега кўп. Сал машурман, шекилли, Бугун менга эга кўп» дея шеърый мактублар йўллаган син-гилларига — акаларининг ёзиб қолди-рганлари ҳам қувонч, ҳам тасалли. Волида-сининг соғинчи бисёр, ҳар баҳор кўклам келан шoir ўғли ҳам эшикдан кириб кел-дирилгандай... Буларнинг бари — ҳаёт, ти-риклик. У ўз шиддати, севиначу соғинчла-ри ила давом этаётди. Қанотлари қий-рилмас ҳаёт. Тириклик боғини ўз нома-ри, эзгу амаллари билан беэаб кетган-ларга эса ҳаммиса шарафлар айтилган. Му-хаммаджон, Мухаммад Юсуф шундай ин-сон эди, шундай шoir бўлиб эл қалбида қолди.

Сирожиiddин САЙИИД.

YAMAHA мотоциклини ишлаб чиқарувчи корхона
Ўзбекистон бўйича минтақавий дилерларни қидирмоқда.

Дилерлар куйидаги талабларга жавоб беришлари керак:
80 м² дан кам бўлмаган савдо-кўرғазма майдони,
60 м² дан кам бўлмаган техник хизмат кўрсатиш станцияси. Мотоциклини сотиб олиш учун 6 миллион сўм миқдорда айланма капитал ва молиявий аҳволи яхши бўлиши керак. Корхона ХФ, МЧЖ ёки ХТ шаклида ташкил этилган бўлиши керак. Авто ва мототехникани сотиш соҳасида тажрибаси бўлиши керак. Биз билан куйидаги телефонлар орқали боғланиш мумкин:

Тел.: (998-90) 189-15-33. Факс: (998-71) 162-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz

О'ZLOTO «O'ZLOTO» лотереяси 18-тиражнинг **ХИСОБОТИ**

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган Телевизион, сонли «O'ZLOTO 640» лотереясини ўтказиш шарт ва қондилари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар нумери кетма-кетлиги: **37 9 36 1 11 27**

Тираж ўтказилган сана: **2004 йил 17 апрель**

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи
6-та тўғри топилган сон учун	100 000 000	0	0
5-та тўғри топилган сон учун	996 150	1	996 150
4-та тўғри топилган сон учун	494 750	28	17 669
3-та тўғри топилган сон учун	1 731 625	570	3 037

Ютилганга соғинчлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 24 апрель кунини ўтказилади. Кейинги тиражнинг **ЖЕК-ПОТ** суммаси: **100 000 000 сўм**

Тўқин ҳаёт сари!

Корхона қурилиш молларини таклиф этади

Улгуржи нархларда.

Линолеум Россия, эни 1,5 м., 2 м.

Гуақоғоз (СОБОИ) Россия, Белоруссия, ҳархил кўринишларда

Ламинат Германия НДМ корхонасида ишлаб чиқарилган

ва бошқа қурилиш материаллари.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76,
(3732) 24-82-00, 24-92-74.

Маҳсулот сертификатланган.

Корхона шина маҳсулотларини таклиф этади

ШИНА

ЮК МАШИНАЛАР УЧУН
АВТОБУСЛАР УЧУН
ТРАКТОРЛАР УЧУН
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН

Улгуржи нархларда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 137-10-14,
137-47-78, 137-47-31,
(3732) 24-77-84, 24-71-68.

Маҳсулот сертификатланган.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 21 апрель сониди чоп этилган «Автомобиль ин-дустриясининг истиқболи» мақоласининг биринчи хатбоши-даги жумла «Уд'ЭУавто» ишлаб чиқарган автомобилларнинг 86 мингтаси экспорт қилинди, деб ўқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик «Ўзбек-театр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлигисини, Театр ижодкорлари уюшмаси Мухомий номидида Ўзбек давлат мусиқий театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедова турмуш ўртоғи

НАИМА ялнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси Бухоро вилояти ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Наим Кенжаева умр йўқлигини

Сарвара ЭҒАШЕВАННИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини жамоаси иқти-сод ва ҳўжалик ишлари бўйича проректор Абдулгани Тангабаева онаси

ИРИСОЙ ялнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг умидбахшлиги билан ишонччи оқлайди, ундан кўплаб фойдаланувчилар ва кўшимча уланадиган мижозлар ишини уйғунлаштиради ҳамда юқори унумдорлик билан ишлайди.

Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

Корпоратив сотувлар: «Middle East Computers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Resit», Тошкент ш., Мухомнов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-resit@tstech.uz.
Дистрибуторлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (37332) 24-13-13, 24-31-80.
http://www.tstech.uz.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporationнинг АКШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Мухомидинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Будуртма Т — 572. 29000 тўхтама босилган, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган.
Кўзгў бичими А—2
Газета ИВМ компьютерларида термид ва оператор Дамисил Топлов ва Баҳор Файлов томонидан сақлаланади.
Тахририда ҳажми 5 қобоздан зинд материаллар қабул қилинмайди.
П—Тикюратор материалли

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тоширини вақти — 21.00 Тоширилди — 20.45 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Найбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Найбатчи муҳаррир — К. Эшматов.
Найбатчи — С. Дониёров.
Муасхих — М. Ёқубова.